

Карийб бир ярим асрдирки, Мунис томонидан бошланиб, Огахий ниҳоясига етказган “Фирдавсу-л-икбол” асари адабиётшунос, матншунос ва тарихшунослар эътиборини тортиб келади. “Фирдавсу-л-икбол”нинг тўққизта кўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан иккитаси, Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург Шарк кўлёмалари институтида (инв. С 571 (590 оа), Е-6-1 (590 ов), олитаси Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти хазинасида (инв. 821/1, 5364/1, 9979/1, 5071, 7422, Х. Сулаймонов номидаги фонд. 275/1), яна бир нусхаси эса Хелсинкида сақланмоқда.

“Фирдавсу-л-икбол” бадиий-тарихий насрда Огахий учун катта тажриба мактаби бўлгани, шубҳасиз. Бу асарни ёзиш жараёнида орттирилган тажриба кейинчалик шу турдаги бошқа асарларини ёзишда унга кўл келгани аниқ.

Муниснинг ёзишича, Хива хони Элтузархон уни ўз саройига чакириб, бундай амр килади: “...керакким, бизнинг насаби хумоюнмизни сўз девонида курсинишин ва аждоди амжодимиз асомийсин тарих хотамида накши нигин килсанг ва ўз холотимиз ва баъзи футухотимиз билаким, зийнати афсона ва носихи “Шахнома”дур, назм риштасига дурри макнун терсанг ва наср бисотига гуногун зийнат берсанг, то бўлгайким, даврон сахоифи фано тундбоди била паришон бўлуб, олам кошонаси адам сели била вайрон бўлгунча авсофи хамадамиз замон аврокида бокий колгай ва зикри писандидамиз жaxon мажолисида салотин базмига шўриш солгай”. (Мунис Шир Мухаммад Мираб анд Агахи Мухаммад Риза Мираб. Фирдавс ал-икбал: Хисторй оф Кхорезм. Эд. бй Ю. Брегел. Леиден: Брилл, 1988, Р.18. – Макола Юрий Брегел тайёрлаган ана шу илмий-танкидий матн асосида ёзилди – Н.А.).

“Фирдавсу-л-икбол” дебоча ва мукаддимадан ташкари беш бобдан таркиб топган. Бу ҳақда Мунис куйидагича маълумот беради: “...бу мухтасар шуруъига хомаи ибтидо сурулди, чун бахори икболи сохибкироний била фирдавсдек зийнат топиб эрди, биноан алайх “Фирдавсу-л-икбол”га мавсум бўлди. Бир мукаддима, беш боб, бир хотимага таксим топти. Хазрат Изиди комбахшдин умид улким, унвони ифтитохин татаммаи ихтитомга мавсул ва мукаддимаи огозин хотимаи анжомга машмул килгай.... Мукаддима баъзи махсусоти аълохоконий зикридаким, осори икболи сохибкироний эрди. Аввалги боб хазрат Одам алайхиссалом ижодидин (яратилишидан – Н.А.) Нух алайхиссалом авлодигача мазкур бўлур. Иккинчи боб Ёфас алайхиссаломдин кўнгирот шўъбасигача мўгул подшоҳларининг зикрида. Учунчи боб Курлос авлодидин подшоҳлик маротибига етганлар зикридаким, сўнги Абулгозихон ибн Ёдгорхондур. Тўртунчи боб хазрат подшоҳи сохибкироннинг аждоди киром ва аболи зу-л-эхтиромининг зикрида. Бешинчи боб хазрат подшоҳи сохибкиронни нг валодати хумоюнидин бу рисолаи саодатмакола итмомигача хар вакоеъким осори сохибкиронийдин вукуъ топмиш ва вукуъ топгусидур – зикр килилур. Хотима авлиёйи изом ва уламои киром ва умарои зу-л-эхтиром ва сохибдавлат беклар ва закийтабъ шоирлар ва донишманд фозиллар ва фалотунфитрат хунармандлар ва баъзи умури гарибаким, хазрат подшоҳнинг айёми майманатанжомида вукуъ топибдур, алар хикоётига махсусдур”.

Мунис асарнинг композицион тузилишини ана шундай режалаштирган. Бирок бир канча сабабларга кўра, муаллифга асарни ушбу режа асосида ниялаш насиб этмаган. Биринчидан, адиб асарнинг энг кизгин воқеалари тасвирини ёзаётган кезде Муҳаммад Раҳимхон унга Мирхонднинг машхур “Равзату-с-сафо”сини ўзбек тилига таржима қилиш вазифасини топширади.

Иккинчидан, 1929 йили Муниснинг вафот этиши, бу режанинг амалга ошишига монелик қилади.

Ана шу сабабларга кўра асарни Огахий давом эттирди ва ниялига етказди. Бирок, адиб бу ишга орадан ўн бир йил ўтгач қиришган. Сабаби, Мунис вафотидан кейин Огахийга “Равзату-с-сафо” таржимасини давом эттириш вазифаси юклатилади. Шундан кейингина Элтузархоннинг ўрнига Хива тахтига чиққан Оллохқулихон даврида, унинг фармонида кўра Огахий “Фирдавсу-л-икбол”ни давом эттириб, ниялига етказди.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг тарихий илмий асар эмас, бадиий-тарихий наср намунаси экани нималарда кўринади? Биринчидан, ҳар қандай асарнинг хусусияти унинг тилида, ифода усулида намоён бўлади. “Фирдавсу-л-икбол” сажъли насрда, бадиий услубда ёзилган. Ахир, унда тарихий воқеалар баён қилингану, тарихий асар деб номланиб қелгани сабаби шуку, деган эътирозга жавобан айтиш керакки, гап қандай материал қаламга олинганида эмас, унинг қай тарзда ифодаланганидир. Ушбу фикр исботи учун асардан биргина парча қелтириб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз: “...жаҳон фозилларининг афзали ва замон қомилларининг ақмали, фазлу дониш тенгизининг тимсоҳи, ақлу биниш сафинасининг маллоҳи, илм қуёшининг матлаъи ва қамол аҳлининг маржаъи, ҳаллоли мушқулоту дақойик, қашшофи гатоёи ҳақойик, фазоилмаоб, қамолотинтисоб, яъни Мунис мироб...”

Огахийнинг устози Мунисга бўлган эҳтироми ифодаси бўлган ушбу иқтибосда ўн бир сажъланувчи қисм мавжуд: жаҳон – замон, фозилларининг – қомилларининг, афзали – ақмали, фазлу – ақлу, дониш – биниш, тимсоҳи – маллоҳи, матлаъи – маржаъи, ҳаллоли – қашшофи, мушқулоту – гатоёи, дақойик – ҳақойик, фазоилмаоб – қамолотинтисоб – Мунис мироб.

Улардан биринчи, учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ўнинчи сажъланувчилар мутавозий (ҳам вазн, ҳам қофияда мослашувчи); ўн биринчиси мутарраф (вазнда мослашмаган), иккинчи, тўртинчи, саккизинчи ва тўққизинчиси эса мутавозиндир (вазнда мос, қофияда мослашмаган).

Маълумки, сажъ ҳосил қилувчи сўзлар «қосила» деб аталади. Ҳар бир қосила ўзидан олдинги сўзлар бирикмаси билан сажънинг бир бўлагини ташкил қилади ва «қарина» деб қуритилади» (шеърийатдаги, аруздаги қосиланинг бунга алоқаси йўқ). Огахий насрида сажънинг юқорида баён этилган барча шаклий сифатларини кўриш билан бирга, сажъланувчиларнинг жойлашишида ҳам ўзига ҳослик қузатилади. Юқоридаги жумлада тимсоҳи ва унга сажъланувчи маросими қосилаларининг ҳар биридан олдин биттадан сўз қўлланган. Баъзан қосиладан олдин бир ва унга сажъланувчидан аввал бир неча сўз қўлланиши ёки ақсинча бўлиши ҳам мумкин. Юқоридаги иқтибосда ақсар

сажъланувчилар орасида карина мавжуд эмас.

Асарнинг бадиий-тарихий наср намунаси эканига иккинчи далил, юкорида таъкидланганидек, Муниснинг уни ёзишга амр этилганида хон тилидан битилган: “назм риштасига дурри макнун терсанг ва наср бисотига гуногун зийнат берсанг”, сўзларидир.

Учинчидан, бадиий-тарихий наср намунаси худди халк огзаки ижодига мансуб дostonлар каби, Мунис ва унинг буюк салафлари Рабгузий, Мирхонд, Хондамир ва Абулгозининг шу сирадаги асарлари анъанасига кўра назм билан зийнатланиши шарт эди. Асар худди шу усулда ёзилган. Ундаги назм намуналари сажъли насрда битилган фикрларни тасдиқлаш, тўлдириш, уларга изох бериш ва, ниҳоят, асарнинг бадииятини, поетик жозибасини ошириш максадларига хизмат килади.

“Фирдавсу-л-икбол” матнига касида, газал, маснавий, китъа, рубоий, фард, таркиббанд, таърих цингари жанрларга оид қарийб олти минг мисра шеър киритилган. Шундан беш минг мисрага яқини асарнинг Мунис ёзган қисмидан, 1022 мисраси эса Огахий ёзган қисмидан ўрин олган.

С.Рўзимбоев ва А.Ахмедовларнинг “Фирдавсу-л-икбол”даги адабий жанрлар хақида” (“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2009, 6-сон, 19–24-бетлар) мақоласида асарга кирган шеърларнинг жанр хусусиятларига оид анча керакли маълумотлар берилиши баробарида, бир қатор нуксонларга ҳам йўл қўйилганини қайд этиш керак.

Биринчидан, мақолада жанр истилоҳи ноўрин қўлланади, муаллифларнинг шеърини жанрлар хақидаги тасаввури чала қўринади. Масалан, улар бундай ёзишади: “Мунис томонидан асарда истифода этилган поетик жанрлар орасида (?) назм, шеър, мисра, абёт, манзума, матлаъ, мактаъ каби атамалар учрайдики, бу номланишларга муайян изохлар беришга тўғри келади”. Таъкидлаш керакки, назм, шеър, мисра, абёт, манзума, матлаъ, мактаъ каби истилоҳларнинг “Мунис томонидан асарда истифода этилган поетик жанрлар”, дейилиши мутлақо тўғри эмас.

“Назм номи остида берган шеърлари шаклининг маснавийдан фарқи йўқдек қўринади”, дея, гўёки, муаммога ойдинлик киритишмоқчи бўлишади муаллифлар. Бу ҳам холва. “Бирок айрим ҳолларда назмнинг кофияланиш тизими ўзгаради ва газал шаклига ўтади” ёки бошқа ўринда, “Тарихнависнинг “шеър” номи остида берган намуналари ҳам кўп ҳолларда маснавий шаклида битилган, айримлари газал шаклида кофияланган”, дейишар экан, улар, гўёки, янги-янги “илмий кашфиёт”ларни очишади. Мунис бу сарлавҳалар остида баъзан маснавийни, айрим ҳолларда газал ва исталган бошқа жанр намунасини бериб кетаверган. Бир вақтлар келиб, “мутахассис”лар “Фирдавсу-л-икбол”да “назм”, “шеър” сарлавҳаларида тақдим этилган асарларнинг қайси жанрга мансуб эканини ажрата олмаслигини адиб қаердан ҳам билсин, ахир?!

“Мунис назм ва шеър номи остида берилган намуналарни умуман шеърини сифатида қараган ва воқеалар характерида қараб, уларни турли шакллар воситасида ўқувчиларга ҳавола қилган”, деган ҳулоса эса янада ажабланарли. Савол тугилади: Мунис назм ва шеър номи остида берилган намуналарни умуман шеърини сифатида (?) (таъкид

бизники – Н.А) караган бўлса, бошка ном остида берилган намуналарни нима деб караган экан?!

Мумтоз шеъриятда фард деган жанр бор. “Фард” атамаси “якка, ёлгиз, ажралган” маъноларини англатиши, мумтоз шеъриятда ягона байтдан иборат тугал маънони англатган жанр экани ҳеч кимга сир эмас. Юкорида кайд этилган макола муаллифлари хаммага аён ана шу ҳақиқатга “ислох” киритадилар. Улар: “Асар таркибидаги фардлар асосан икки мисралик бўлиб, бир-икки жойда унинг тўрт каторлик шакли (?) ҳам учрайди”, дея куйидаги шеърни мисол қилиб келтирадилар:

Олиб кахр ила ул жахон кишварин,
Килиб катл ахли замон аксарин.
Жахон ичра балким киши кўймади,
Улус конидин ўлгунча тўймади.

Тўгри, “Фирдавсу-л-икбол” матнида ушбу шеър “Фард” сарлавҳаси билан берилган. Бирок, мумтоз асар устида тадқиқот олиб бораётган мутахассис бу котибнинг хатоси бўлиши мумкинлигини, мазкур шеърий парча жанр хусусиятларига кўра фард эмас, маснавий (!) эканини ажрата билиши керак эмасми?! Синчков тадқиқотчи зарур ўринларда котибнинг хатосини ҳам тузатиши лозимку, ахир!

“Асарнинг Мунис каламига мансуб қисмида насрий жанрларга ҳам ўрин берилган. У асарни анъанага мувофиқ наът билан бошлайди ва уни насрий тарзда Куръон оятлари воситасида баён этади”, дейилади яна маколада. Аввало, наътни насрий жанр сифатида таърифлаш илмий ҳақиқатга ҳам, оддий мантикка ҳам зид. Наът – жанр эмас. У – мазмун, у – моҳият. Наът –пайгамбаримиз сифатларининг таъриф-тавсифи. У нафакат насрда, назмда ҳам ёзилиши мумкин. Газал, маснавий, китъа цингари шеърий жанрларда ёзилган маснавийлар учрайди мумтоз адабиётимизда. Илмий мавзуда макола ёзаётган мутахассис ҳар бир сўзини тарозига солиб, ўйлаб, фикрлаб, кейин коғозга тушириши зарур. Акс холдаги, юкорида тахлит ноўрин мулоҳазалар, саёз хулосалар келиб чиқади.

Мазкур кўчирмада яна бир хатолик бор. Муаллифлар фикрича: “У (яъни, Мунис) асарни анъанага мувофиқ наът билан бошлайди”. Аслида, “Фирдавсу-л-икбол” наът билан эмас: “Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоконларнинг кавкабаи давлати ул подшохи алалитлокнинг қуллуги билан интизом топарким...”, дея бошланган ҳамд (таъқид бизники – Н.А.) билан очилади.

“Фирдавсу-л-икбол”га кирган турли жанрларга оид шеърий матнлар ҳар бири композицион тугаллиги билан алоҳида асар сифатида баҳоланиши мумкин. Шеърий матнлар воқеликнинг насрий талқинини бирор-бир жихатдан такрорламайди, аксинча, улар матн яхлитлигини таъминлаши, асарнинг асосий гоҳсини ёрқин бадиий бўёқларда, поетик жозибадорликда ифодалаш ва изохлашга хизмат қилиши жихатидан юксак адабий-эстетик кийматга эга.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг Огахий ёзган қисмидаги шеърӣй матнлар мавзуига кўра куйидагичадир: 1) асарнинг ёзилиш сабаби таърифӣ; 2) хон ва унинг аъёнлари васфи; 3) бунёдкорлик ишлари тавсифӣ; 4) харбий можаролар тасвири; 5) шикор – ов тавсифӣ; 6) тўй, спорт ва халк ўйинлари талқини.

1. Асарнинг ёзилиш сабаби таърифӣ. Огахий “Фирдавсу-л-икбол”ни давом эттириш вазифаси ўзига юклангани хақида, аввал, насрда мана бундай изох беради: “...хазрат соҳибқироннинг жулуси саодат маънусининг ўн бешлончи йиликим, сана минг икки юз эллик бешда (1840 милодий йил – Н.А.) эрди, бу бундай бевизоат ва қалилу-л-иститоат ва бу гўшанишини вайронаи алам ва малолат, аҳқари ибоди малики-л-вахҳоб, заифи нажиф Мухаммадризо мироб ал-мутаҳаллис би-л-Огахий ибн Эрнийёзбек биродарзода ва дастпарвардаи Мунис мироб гафароллоху зунубаҳум ва сатара уюбаҳумким, ул хазратнинг хизматқори қадимий ва жонсипори самимийи эрдим, ногоҳ жабуҳаи аҳволимга дейдаи марҳамати ва носияйи авқотимга айни иноятидин назари қимёасарин солиб, бу паришон авроққим, тарқибидин кўнгул мутаҳаййир, балқи ақли қулл мутааззирдур, жамъ қилиб, итмомга етқурмақни буюруб, бу дилхастани мазаллат туфроғидин кўтарди ва ифтиҳорим бошин фалақи даввордин ўтқарди”.

Дарҳақиқат, муаллиф олдида масъулиятли вазифа турарди.

Асарни давом эттиришга қиришар экан, Огахий маснавий йўли билан муножот ёзади. Муножотда шоир жуда қийин, туганмас ишга қўл урганни таъқидлаб, уни поёнига етқизишда аллоҳ таолодан мадад сўрайди:

Илохо, ман ожизу бенаво,
Туганмас иш этгум дурур ибтидо.
Хазин хотиримни етур қомига –
Қи, яъни, ишим етур анжомига.

2. Хон ва унинг аъёнлари васфи. “Фирдавсу-л-икбол” бадиий услубда ёзилгани учун унда муаллифнинг адабий-эстетик идеали талқини масаласини ўрганиш зарурати юзага қелади. Таъқидлаш қераққи, асарда ҳудди шундай идеал хон тимсолида тасвирланган. Бу турқум шеърларда васф этилишича, хоннинг адолати шу даражадақи, адлидан жаҳон мулки обод, у шунчалиқ саҳийқи, хайру эҳсонидан улус хотири шод. Биргина мисол:

Хотами Тойиқи қарамдур иши,
Халқга бермақ бўлубон варзиши.
Ул дақи баҳра олиб эҳсонидин,
Зилласитондур қарами хонидин.

Муаллифнинг бу турқум шеърларда муболагали тарзда таърифу тавсиф этишича, агар султони соҳибқирон қаҳр қилса, зулм уйи вайрон, лутф этса, даҳр эли шодон бўлади.

Хоразм хонларининг, жумладан, Мухаммад Рахимхоннинг салтанат ишларида адолатга интиланган маърифатли хукмдор эканига шубха билдирмаган холда, таъкидлаш керакки, Огахий хон ва унинг аъёнлари тасвирида реал воқеликдан кўра кўпроқ ўзининг идеалини васф этган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, юксак назмий маҳорат билан ёзилган бу туркум шеърлар шоирнинг ижтимоий-эстетик идеалини белгилаш ва ўрганишда принтсипиал аҳамиятга эга.

3. Бунёдкорлик ишлари тавсифи. Мухаммад Рахимхон табиатан бунёдкорликка мойил бўлган. У кўплаб масжидлар, мадрасалар, ёфлар (каналлар), кўприк ва работлар барпо этган. Маълумки, адабий анъанага кўра, бундай иншоотлар қурилиши муносабати билан таърихлар битилган. “Фирдавсу-л-икбол”да бу мавзу, асосан, маснавийда каламга олинган. Жумладан, муаллифнинг ёзишича, “Ул овони саодатнишонда Сайёд ховлининг иморатиким, ул хазратнинг меъмори давлатидин тоза бино топиб, матонат ва истехкоми “кааннаҳум бунянун марсус” (“бамисоли туташ бинолардек” – Куръони карим, Саф сураси, 4-оятдан) ояти била мансус эрди ва боғи ишратафзоси “ва ман дахалаҳу кона оминан” (“бу ерга қирган омонлик топади” – Куръони карим, Оли имрон сураси, 97-оятдан) ишоратига махсус”. Асарда ана шу маълумотдан сўнг қуйидаги маснавий матни келтирилган:

Рашки беҳишт эрди анга хар кусур,
Ошиқи онинг эди гилмону хур.
Бош чекибон кўнгири Қайвонгача,
Зирваси ҳам гунбази гардунгача.
Манзари айвони бўлуб дилкушо,
Сахни хавоси эди ишратфизо.
Боғи назохатда жинон гайрати,
Хар шажари сарви равон гайрати.
Беҳад эди меваи алвон анга,
Тенг бўла олмай мазаи жон анга.

Хар қандай мавзуда, ҳатто бунёдкорлик ишларининг назмий тавсифида ҳам Огахий сўзининг фасохати ва балогати яққол намоён бўлиб туради.

4. Ҳарбий можаролар тасвири. Маълумки, XIX аср миллатимиз тарихига таназзул асри сифатида қирган. Хонлиқлар ўртасидаги зиддиятлар, ички низолар охир-оқибат юртни ижтимоий-сиёсий бўҳронга олиб келди, Русия мустамлақаси гирдобига туширди. “Фирдавсу-л-икбол”да ана шу ички низолар, зиддиятлар, маънавий инкироз етилиб келаётган тарихий вазият каламга олинган. Асардан ўрин олган бир қанча шеърларда Мухаммад Рахимхон кўшинининг Хуросон ва Дашти Кипчокдаги, шунингдек, Хоразм атрофидаги қўчманчи қабилалар билан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, хон билан Бухоро хукмдори Амир Ҳайдар сипохи ўртасидаги жангу жадаллар, беҳуда қон тўкилиши воқеалари тасвирланган. Бу мавзудаги шеърларда зоҳиран Хива аскарларининг жасорати васф этилгандек кўринса ҳам, назмий матнлар замирида Огахийнинг бундай ҳарбий можароларни маъқулламаслиги сезилиб туради. Ҳатто, шу туркум шеърларнинг

айримларида унинг панд-насихат руҳидаги қарашлари ифодаланади. Мана бу қитъа мазмуни фикримизнинг ёркин далилидир:

Кўнгулни боғлама номард ваъдасига даме –
Ки, ваъдасида анинг бўлмагай вафо харгиз.
Мулойим ўлма даме душмани қадимингга,
Мулойимат била ул бўлмас ошно харгиз.
Тоши йилоннинг агар хар нечаки базм дурур,
Ва, лек, бўлмас ичи захардин жудо харгиз.

5. Шикор – ов тавсифи. Асарда муаллиф “ҳазрат соҳибқирони фирдавсмакон”, яъни, Мухаммад Раҳимхон аксар вақтларда “шикор иродаси била ҳаракат кўргузуб, бу баҳона бирла атрофдаги фуқаро ва ажаза бошларига сояйи марҳамат солиб, арзин эшитиб, додига етмак”ни одатга айлантиргани ҳақида ёзади. Бир туркум шеърий матнлар ана шу шикор – ов тавсифига бағишланган.

6. Тўй, спорт ва халқ ўйинлари талқини. “Фирдавсу-л-икбол”да Огаҳий Мухаммад Раҳимхоннинг иккинчи ўғли шахзода Раҳмонқули тўрага “хатна суннатин жорий қилдирурга сури мавфуру-с-сурур ва жашни азим тартиб бергани” тавсифига анча батафсил тўхталади. Шоир:
Йигналибон ул сифат асбоби сур –
Ким, бўлубон васфида ожиз шуур.
Сафҳае таърифига сурмак калам

Чархи барин авжига урмоқ қадам, – дея тўй муносабати билан “адолат лаолийси уммони, саховат явоқитининг қони” бўлган хоннинг қўллари бамисоли денгиздек гавҳарлар сочгани, ҳалойикка сийму дирам улашиб, фуқаро ва раоёни хайру эҳсонидан қомрон қилгани ҳақида ёзади. Бу туркум шеърларда хоннинг фазилатлари муҳолагали тарзда, пафос билан талқин этилади. Бундай талқин усули, биринчидан, муайян ҳаётини асосга эга бўлса, иккинчидан, уларда Огаҳийнинг адолатли, раиятпарвар ҳукмдор ҳақидаги идеали ҳам ўз ифодасини топганини таъкидлаш керак.

Асарда, шунингдек, бир қанча спорт ва халқ ўйинлари, жумладан, кураш, отқопар қингари томошаларнинг назмий талқини ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, юқорида зикр этилган тўйда отқопар томошаси уюштирилади, муаллиф сажъда ифодалашича, унда “саманди фалакхайъату барқсуръат ва раҳши девбоди сарсарниҳод” отлар иштирок этади.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг Огаҳий ёзган қисмидаги шеърий матнларни жанр хусусиятларига кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) маснавийлар; 2) рубоий 3) қитъалар; 4) фардлар; 5) таърихлар.

Маснавийлар. Асар тарқибига қирган шеърлар орасида сон жихатдан ҳам, салмоқ жихатдан энг кўп учрайдигани маснавийлардир. Улар 64 та бўлиб, 960 мисрани ташкил

этади.

Хазрат Навоий маснавий жанрини “майдони восиъ” деб атагани маълум. Шайх Ахмад Тарозийнинг кайд этишича, «...маснавийнинг шароитидин бириси улдурким, агар хикоятни назм килур бўлса, керакким, дебочасин хўб иборат ва яхши тарика бирла таъриф килса ва саъе кўргузсаким, фотиха бирла хотимаси писандида келгай. Ва бир шарт улдурким, мухтасар алфоз бирла шархга келтургай. Ва бир шарт улдурким, хар ердаким, разм ва базм бирла таъриф килгай». (Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балога. Тошкент, “Хазина” нашриёти, 1996).

«Фирдавсу-л-икбол»даги маснавийлар туркий шеърият назариётчиси таъкидлаган талабларга тўлиқ жавоб бера олади. Асарда “назм” сарлавхаси билан берилган 74 байтли энг катта хажмли маснавийнинг «фотихаси бирла хотимаси писандида келган»и бунинг далили. Мана, ўша маснавийнинг “фотиха”си:

Чарх золиким баса маккор эрур,
Золиму берахму кажрафтор эрур.
Доимо макру хиялдур пешаси,
Халкга бермак фириб андешаси.
Хайъатидин ошкоро шумлик,
Хам хиромидин аён мейшумлик.
Кимниким кўрса азизу комрон,
Касди – хор этмак дурур хам нотавон.
Ким эса максуд хусули бирла шод,
Фикри они айламакдур номурод...

Мумтоз шеърият тарихида чарх золининг золим, берахм, кажрафтор экани хакида кўп ёзилган. Бирок, ушбу маснавий “фотиха”си макру хийла пешаси бўлган, халкка фириб бермакни аъмолига айлантирган, кимники азизу комрон кўрса, хору нотавон килмокка касд айлайдиган, максуди хосил эканидан шод юрган одамни номурод айламак фикридаги чарх золи образи метафора, тансику-с-сифот, таносиб, тазод цингари бадий санъатлар воситасида бетакрор тасвирлангани билан алохида ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, маснавий хотимаси ана шу тасвирни хулосалаб келган. Модомики, чарх золи шунака маккор ва рахмсиз экан, окил одамнинг унга муносабати кандай бўлмоги керак? Кай йўл билан у давлату икболга эришмоги мумкин? Маснавий хотимаси ана шу цингари саволларга жавоб беришга харакат килингани билан хам алохида ахамият касб этади:

Окил улким, дахрдин силкиб этак,
Урса тажриду каноат сори так.
Тарк тутса хар на йўку борини,
Балки ўзлук бори-ю осорини.
Айласа маскан фано майхонасин,
Килса нўш у фонилиг паймонасин.

Бўлса мадхуш уйлаким билмай ўзин,
Очмаса то хашр кўпгунча кўзин.
Бу дурур маъни элига шохлиг,
Давлату икболу сохибжохлиг.
Сокиё, бер косаи озодалиг,
Лаб-балаб айлаб майи афтодалиг.
То ичиб они халоват айлайн,
Лахзае майли фарогат айлайн.

Кўриниб турибдики, маснавийнинг «фотихаси бирла хотимаси писандида келган», яъни, “фотиха”да кўйилган поетик муаммо “хотима”да ечилган, хал этилган. Мухаммад Рахимхон вафоти муносабати билан битилган бу маснавийда фано ва бако фалсафаси ўзига хос бадиий талкин килинган.

Рубоий. “Фирдавсу-л-икбол”нинг Огахий ёзган кисмида биргина рубоий матни келтирилган.

Вусъат аро монанди анинг кам эрди,
Коплон фалакка шердин рам эрди.
Андок калин эрдик, йилон йўл топмай,
Ашжори авжи чархга мухкам эрди.

Ушбу рубоийда Хоразмдаги Бодой тўкайзори тасвирланган. “Зубдату-т-таворих”да: «Бодой бир бешаедурурки, багоят калин ва зиёда васеъдурур. Хазрати кутбу-л-актоб, афзалу-л-ашоб, зубдату-л-комилин, умдату-л-восилин Вайсу-л-Караний розияллоху анху ва хазрати хакикатпанох, хидоятдастгох Шайх Жалил ота каддаса сиррахунинг кадамгохлари даги тог била дарё ўртасида вокеъдурур”, деган маълумот берилади.

Кўриниб турибдики, “Фирдавсу-л-икбол”даги рубоий ва “Зубдату-т-таворих”даги маълумот бир-бирига уйгун, бир-бирини тўлдиради. Вайсу-л-Караний билан Шайх Жалил отанинг абадий манзили бўлган бу заминнинг табиати, хайвонот дунёси ўзига хос экани рубоийда гўзал бадиий талкин этилган. Яъни, бешаенинг “вусъат аро монанди кам”лиги – кенг ва улкан худудни камрагани, унинг коплонлари шердан хам хайбатлирок экани тасвири бу фикрнинг исботидир. Рубоийда ифодаланишича, Бодойнинг тўкайлари шу даражада калинки, улар орасидан илон хам йўл топиб юриши махол, дарахтлари шу қадар юксакликка бўй чўзганки, чархнинг авжиги – энг юкори нуктасига етган. Бир вақтнинг ўзида муболаганинг таблиг (“Вусъат аро монанди анинг кам эрди”), гулув (“Коплон фалакка шердин рам эрди... Ашжори авжи чархга мухкам эрди”) хамда ифрот (“Андок калин эрдик, йилон йўл топмай”) турлари кўллангани рубоийнинг юксак бадииятини таъминлаган.

Китъалар. “Фирдавсу-л-икбол”да Огахий ижодидан бу жанрга мансуб етти китъа матни ўрин олган. Шайх Ахмад Тарозий китъанинг аввалги мисраси одатда кофияланмаслиги, хажми “акалли икки байт” бўлиши, “мунинг хам аксари мукаррар эрмаслиги, хар нечаким,

кофия тобсалар» айтилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бирок, Огахий ижоди туркий шеърийят назарийётчисининг китъа хакидаги бу назарий карашлари ўзгармас хакикат эмаслигини, ислох этилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Негаки, Огахий китъаларининг “акалли (энг кичик хажми – Н.А.) икки байт” эмас. Асарда келтирилган китъалардан бири ягона байтдан иборат экани бу фикрни тасдиқлайди:

Акл ила фаросатким, инсон шарафи андин,
Шаънида анинг гўё бир ояти мунзилдур.

Таъкидлаш жоизки, “Фирдавсу-л-икбол”даги етти китъа матннинг турли ўринларида бошка-бошка максадлар билан келтирилган бўлса-да, улар мантикан ўзаро богликдай, бир-бирининг узвий давомидай таассурот колдиради. Бу етти китъанинг мохиятини куйидагича мухтасар ифодалаш мумкин:

- 1) акл-фаросат инсонни шарафлаши, шу муносабат билан оят нозил бўлгани;
- 2) хулки неку (олижаноб хулк) билан куфр эли хам исломга кириши;
- 3) шохга садокат кўрсатиш фукаронинг ўзига хам бахт келтириши;
- 4) номард ваъдасига кўнгул богламаслик;
- 5) душман устидан зафар козонишда хайл (кўшин) кўплигига магрур бўлмаслик;
- 6) фалак бевафолиги ва умр бебаколиги;
- 7) сипехри жаллод бирор кимсани шод кўймаслиги, одам фарзандларига ададсиз гам ёгдириши.

Кўриниб турибдики, улар алохида-алохида мавзуларга багишланган бўлса-да, мохиятан яхлитлик касб этади. Бирок, бу хол хар бир китъанинг алохида назмий асар эканини инкор этмайди. Шу билан бирга, китъалар хам умумматннинг таркибий кисми ўларок асосий гояни ёркинрок тасвирлашга, асарнинг бадиий жозибасини оширишга хизмат килади

Фардлар. Таъкидланганидек, бу жанрдаги шеърлардан иккитаси “фард” сарлавхасида, колган еттитаси эса “байт” номи билан берилган.

“Фирдавсу-л-икбол” матнида “байт” сарлавхаси билан келтирилган шеърлар тугал мазмунни ифодалашни, поетик мукамаллиги жихатидан хам фард жанри талабларига тўлик жавоб беради. Асарда “байт” сарлавхаси билан берилган куйидаги фард ушбу фикрни тасдиқлайди:

Берур ўлса агар худо кулига
Матлабин келтуруб кўяр йўлига.

Бундан ташкари, байт (фард)лар матннинг узвий кисми экани, юксак бадиияти билан хам алохида ахамият касб этади. Мухаммад Рахимхоннинг доруссалтанадан сафарга отланиши муносабати билан ёзилган куйидаги фард бунинг ёркин мисолидир:
Миниб икболу давлат маркабига,
Анингдекким, куёш кўк ашхабига.

Бу сингари битиклар Огахийнинг чиндан хам “фасохат ва балогат бобида нодир, маоний жакохирин назм этарга кодир”(шоирнинг ўз таъбири – Н.А.) эканини тасдиқлайди.

Умуман, “Фирдавсу-л-икбол”даги байт (фард)лар асардаги насрда берилган тасвирни такрорламаслиги, аксинча, уни тўлдириб, ифодага бадий сайкал бериши жихатидан ҳам юксак адабий-эстетик кийматга эга.

Таърихлар. Аввало, таъкидлаш жоизки, “Фирдавсу-л-икбол”га кирган ҳар икки таърих Мунис каламига мансуб бўлиб, асарда “вуфури фаросат ва фарти киёсатда умарои изомдин мумтоз ва мустасно”, дея таърифланган Султон мироб вафотида багишланган. Мазкур таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Султон мироб Мухаммад Рахимхон саройининг хос аъёнларидан бўлган. Султон мироб асарда “фахру-л-миллати ва-д-дин”, дея васф этилган саййид Юсуф хожа накиб билан бирга хоннинг кайнотаси Абдуллох хожа эшон валади амжоди саййид Бокирхожа эшон саййид Отойининг тўйида асосий ташкилотчилардан бўлгани ҳам унинг саройдаги нуфузи нечоғлик баланд бўлгани далилидир. Асарда уларнинг “тўй устида мукаррар бўлуб, жашн мухомининг интизомига машгул”, экани таъкидланади.

Таърихларнинг биринчиси:

Беки гардунхашам, мироби динпарвар, амири даҳр,
Хумоюн номи Султон султоннасл, дарёдил.
Баногҳ тарки олам дода аз шавки Худованди,
“Раҳи фирдавс рафт” ў ҳам аз он таърих шуд хосил.

Демак, таърих моддаси “Раҳи фирдавс рафт” жумласига беркитилган. Маълум бўладики, “Раҳи фирдавс рафт” жумласидаги харфларнинг абжад ҳисобидаги йигиндиси – 1235 га тенг. Асарда Султон миробнинг вафоти “зу-л-ҳижжанинг салҳи”да содир бўлгани зикр этилади. Синхрон жадвалга кўра, бу воқеа милодий 1820 йил 7 октябрга тўғри келади. Таъкидланганидек, кейинги таърих ҳам худди шу сана муносабати билан ёзилган.

“Фирдавсу-л-икбол”га кирган назм намуналари, биринчидан, асарнинг бадий савияси юксак бўлишини таъминлаган. Иккинчидан, бу шеърлар асар умумматнининг таркибий қисми сифатида унинг асосий гоёсини тўлдириш, изоҳлаш, ҳулосалаш вазифаларини бажарган. Учинчидан, асарга поетик жозибадорлик багишлаб, ифоданинг санъаткорона бўлишига хизмат қилган.

Умуман, “Фирдавсу-л-икбол” матни борасидаги кузатишлар асарнинг адабий манба сифатида филологик тадқиқотлар учун бой материал беришини тасдиқлайди.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори
«Шарк юлдузи» журналининг 2010-йил, 5-сон